


ISSN 0134-2231



XALQ TA'LIMI

ilmiy-metodik jurnal

2011/3



МУНДАРИЖА

<i>Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!</i>	
V.DONIYOROV. Ta'lim muassasasi rahbarining kasbiy salohiyati ta'lim samaradorligining kafolai sifatida.....	4
P.САФАРОВА. Фанларни чуқурлаштириб ўқитишнинг дидактик имкониятлари.....	7
<i>Таълимнинг методологик масалалари</i>	
A.НУРМАТОВ. Узлуксиз педагогик таълимда ўқитувчи фаолияти кўрсаткичлари.....	11
V.ВАРГА, Л.В.ГРИШИНА. Определение факторов и условий формирования профессиональной мотивации учащихся.....	15
Я.ИСМАДИЯРОВ. Структура многоуровневой деятельности менеджера образования.....	19
A.К.ТЕШЕБАЕВ. Формирование научного мировоззрения старшеклассников на основе освоения ими общечеловеческих ценностей.....	23
<i>Таълим технологиялари</i>	
J.G.YO'LDOSHEV. Ta'lim jarayoniga pedagogik texnologiyalarni joriy etishning ilmiy-pedagogik asoslari.....	26
Б. ХОДЖАЕВ. Ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантиришда мустақил ишлардан фойдаланиш технологияси.....	30
Ш.ТОЙЛОНОВА. Педагогика тарихини ўқитиш жараёнида талабаларда қадриятли тасаввурлар тизимини шакллантириш технологияси.....	35
Ф.Р.РЎЗИҚУЛОВ. Таълим – тарбия тизимида такомиллаштирилган давлат таълим стандартларнинг моҳияти.....	42
Г.С.ЭРГАШЕВА, Д.ЭЛМУРАТОВА. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш.....	45
Д.Р.ИНОГАМОВА, Х.С.БЎРИХОДЖАЕВА. Таълим самарадорлигини оширишда инновацион педагогик технологияларнинг ўрни.....	48
Д.ИСМАИЛОВА, М.АРТЫКОВА. Внедрение образовательных технологий в учебный процесс.....	52
<i>Методика</i>	
SH. TOSHPO'LATOVA. O'rta yoshli maktab o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish metodlari	55
M. AHMADOVA. Ingliz tilini o'rgatish orqali o'quvchilarga huquqiy tarbiya berish.....	58
Ф.И.ЮСУПОВА. Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш асосида уларни ҳар томонлама ривожлантириш имкониятлари.....	61
K.МАВЛОНОВА. Она тили дарсларида бадиий матнни ифодали ўқиш.....	65
З.РАДЖАПОВА. Амалий санъат дарсларида дизайнерлик қобилиятларини ривожлантириш.....	68
Ф.ТУРАҚУЛОВА, О.РАСУЛОВ. Амалиёт – назарий билимларнинг амалий ифодаси.....	72

«Шарқ» НМАК босмахонаси. 100000. Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

моҳирлик билан ташкил этганда уларда ўз устида ишлаш эҳтиёжлари ва кўникмалари шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш натижасида уларнинг интеллектуал ривожланишлари таъминланади.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ МАТНИИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

К. МАВЛОНОВА,

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Она тили дарсларида бадиий матни ифодали ўқиш устида олиб бориладиган ишлар ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ўқиш "Она тили" давлат таълим стандартидаги "ўқиш техникаси" билан боғлиқ параметр талаблари сирасига киради. Стандартда таъкидланишича, "Бу параметр орқали ўқувчининг нотаниш бўлган матни ифодали ўқий олиш кўникмаси аниқланади"¹. Ўқувчи бадиий матни ўқиш жараёнида овозини нутқ вазиятига мос тарзда ўзгартириб гапириш малакасини эгаллай бориши керак. Лекин она тили дарсларида унинг ифодали ўқиши қандай бўлиши зарурлиги масаласида ҳал этилмаган жиҳатлар кўп. Ушбу мақолада шу хусусда айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Ифодали ўқиш она тили ўқитиш методикаси учун бегона тушунча эмас. Мазкур тушунча, одатда, ўрганилаётган гап қурилмасини (дарак гап, сўроқ гап, ундалмали гап ва бошқалар) тегишли оҳангда ўқишга нисбатан ишлатилади. Методист олима М.Омилхонованинг "Мактабда содда гап синтаксисини ўрганиш" номли методик қўлланмасида бундай дейилади: "Содда гап синтаксисига оид материалларни ўтиш жараёнида нутқ оҳанги — интонацияни кузатиш, ҳар бир гапни ўқишда, айтишда тегишли оҳанг — зарур ўринларда товушнинг кўтарилиши, пасайиши, маъно ургуси, паузалар ҳамда нутқ темпига риоя қилишни ўргатиб боришга қулай имконият бўлади. Нутқни фонетик жиҳатдан шакллантирадиган интонацион воситаларга амал қилиш ўқувчиларнинг ифодали ўқиш, тиниш белгиларини тўғри ишлата олиш малакасини ҳосил қилиш учун зарур"². Муаллифнинг ушбу фикрларини илмий ва бадиий

¹ Давлат таълим стандартига шарҳ: Она тили // Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. — Таълим тараққиёти. Ахборотнома, 1-махсус сон. — Тошкент: Шарқ, 1999. — 48-бет.

² Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1977. — 3-бет.

асарлардан олинган гаплар ёки матнлар учун бирдай тааллуқли деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Табиийки, она тили дарсларида бадиий матнни ифодали ўқиш турли хил бадиий бўлмаган синтактик қурилмаларни тегишли оҳангда ўқишдан фарқ қилганидек, асарни адабиёт дарсларига хос тарзда ифодали ўқишда ҳам муайян тафовутларга эга. Ушбу фарқлар ўхшаш ва алоҳидаликларни кўриб чиқиш асносида янада ойдинлашади.

Бадиий асардан олинган терма гаплар ҳам, кичик парча ҳам ўқувчи ва тингловчида завқ уйғота олади. Лекин ҳар қандай шароитда, қайси ўқув фани дарсида бўлмасин, келтирилган бадиий матн ифодали ўқилмас экан, уни ўқиш пайтида эстетик завқ тугилиши ҳақида гап бўлиши қийин.

Она тили дарсидаги ифодали ўқиш билан адабиёт дарсидаги ифодали ўқиш бир хил бўлмаслиги табиий. Бу нарса қуйидаги фарқлар туфайли содир бўлади:

- 1) бадиий матндаги таг маънони англаш даражаси;
- 2) ундаги образлиликнинг идрок этилиш имкониятлари;
- 3) жумлалар оҳангдорлиги.

Адабиёт дарсларида бадиий асарни ифодали ўқиш учун ундаги парчалар таг маъноси, ғоясини англаб етиш шарт. Она тили дарсларида ўқиладиган бадиий матндаги таг маъно ҳам, ғоя ҳам турли даражада тушунилади:

- а) бадиий матндан таг маънони илғаш қийин бўлади;
- б) таг маъно, ғоя қисман англашилади;
- в) бадиий матн ўқувчилар учун таниш асардан олингани, асарнинг умумий ғояси билан парча таг маъноси тенг келгани учун у етарлича тушунилади.

Она тили дарсларида ўқиладиган бадиий матн таг маънони англаш ҳолатларида ифодали ўқишни ёзувчи ёки шоир, асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатига мослаштиришга ҳаракат қилинади. Лекин таг маънони англаш қийин бўлганда, ўқувчи матнни ўзи ўқиши керак бўлади.

Адабиёт дарсларида бадиий асардаги образлилик тўлиқ ва чуқур англанади, идрок этилади. Она тили дарсларида келтирилган бадиий матнда ушбу жараён бир хилда кечмайди:

- а) матндаги образлилик яққол идрок этилмайди;
- б) образлилик қисман инъикос қилинади;
- в) бадиий матн ўқувчиларга таниш асардан олингани учун тўлиқ қабул қилинади.

Ўқитувчи матндаги образлиликка алоҳида эътибор бермоғи, унинг қай даражада англанишини олдиндан тасаввур қилиб, режага тегишли тузатишлар киритмоғи лозим. Образлилик матнни қандай оҳангда ўқиш кераклигига ишора қилувчи кучли воситадир. Бунда ўқувчи кўпинча тасвирланаётган руҳий ҳолатдан келиб чиқади.

Методист олима Д.Исломованинг таъкидлашича, "Насрий асардаги гаплар шеърий мисралар каби ўқилмайди, муаллиф гаплари бир хил оҳангда, ҳар бир қаҳрамоннинг сўзлари характерига монанд ўз сўзлаш оҳангида талаффуз қилиниши билан ўзига хослик касб этади"³. Она тили дарсларида аксарият ҳолатларда бадиий матндаги асар қаҳрамонининг сўзлари ҳам, муаллиф сўзи ҳам асосан ўқувчининг ўз сўзлаш оҳангида ўқилади.

Адабиёт дарсларида бадиий асар ўқилганда эмоционал-ҳиссий таъсир юзага келади, завқланиш содир бўлади. Она тили дарсларида бадиий матнга ўқувчилар эътибори махсус қаратилмаса, тил жиҳатдан таҳлил қилиниши зарур бўлган оддий матн сифатида қабул қилингани учун эстетик таъсир турлича бўлади:

а) баъзан матн оҳангдорлик туфайлигина эстетик таъсир кўрсатади;

б) матндаги бадиий-тасвирий воситаларни англаш оҳангдорликка қўшилиб эстетик завқни юзага келтиради;

в) илмий, расмий-идоравий услубга яқин ёзилган бадиий матн оҳангдорликка эга бўлмайди, бадиий-тасвирий воситалардан холи бўлади, шу боис эстетик таъсир содир бўлмайди.

Шеърий парча ўқувчини ифодали ўқишга ундайди. Методист олима Р.И.Альбеткованинг тавсиясига кўра, шеърни аввал ўқитувчи ўқиб беради. Кейин ўқувчилар овоз чиқариб ўқийдилар. У бунини шундай изоҳлайди: "Бизнинг мушоҳада юртишимиз қандай қурилганига эътибор беринг: аввал тасаввурни фаоллаштирамиз, тасвирланган манзарани кўз олдимизга келтирамиз. Манзарани тасаввур қилиш учун сўзларнинг: отлар, сифатлар, феъллар маънисини уқиб оламиз. Кейин нутқ характери қай тарзда ўзгариб бориши, шу муносабат билан кайфиятнинг ҳам алмашилишини бандма-банд тушунишга ҳаракат қиламиз. Ниҳоят, тил хусусиятларини уқиб олганимиздан сўнг, асар маъзини чақишга муваффақ бўламиз"⁴. Бундай ўқишда ўқувчилардан "Биринчи бандда нимани кўз олдингизга келтирдигиз?", "Иккинчи банд орқали кўз олдингизда нима гавдаланди?", "Шеърнинг ифодалилиги ёқдимми?" каби саволлар билан тасаввурларини сўраб туриш лозим.

Шеърий асарни ўқишда қуйидаги изчиллик жорий этилгани маъқул: парчани ифодали ўқиш; тил ҳодисаларини аниқлаш ва изоҳлаш; қўшимча равишда бадиий тасвир воситалари устида ишлаш; шеърни якуний ифодали ўқиш.

Она тили дарсида бадиий матнни ифодали ўқиш учун кўп вақт ажратишга зарурият сезилмайди: ўқувчилардан бири бадиий матнни

³ Исломова Д.Д. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида насрий асарларни ўрганиш (рус гуруҳлари мисолида): пед.фан.номз. ... дисс. — Тошкент, 2007. — 84-бет.

⁴ Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику "Русская словестность. От слова к словестности. 5 класс". — 2-е изд., стереотип. — М.: Дрофа, 2001. — 52-бет.

бошқалар учун ибрат бўла оладиган даражада ифодали ўқиб беришга муваффақ бўлса, шунинг ўзи кифоя қилади.

Машқ материалларида келтирилган гапнинг қайси адиб қаламига тегишли эканлиги қавс ичида кўрсатилган ёзувчининг номидан кўриниб туради. Алоҳида олинган бир гапдан унинг муаллиф нутқидами, бирор қаҳрамон нутқидами, кимга тегишли эканлигини билиш қийин. Шунинг учун ҳам, бизнингча, терма ҳолда берилган гапни ҳар бир ўқувчи ўзининг ифодаси, овози билан ўқиши керак.

Хуллас, она тили дарсларида бадиий матнни ифодали ўқиш ўзига хос тарзда ташкил этилиб, бунда унинг тағ маъноси, гоёси, образлари қай даражада анланган-анланмаганлиги назарда тутилиб, баъзи матнлар руҳий ҳолатга мос равишда ўқилса, баъзиларини ўқувчилардан ўз ифодаси билан ўқиш талаб қилинади. Ушбу жараёнга оз вақт ажратилади. Бунда кўзланган мақсадга эришилганлик даражасидан келиб чиқилади.

АМАЛИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ДИЗАЙНЕРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Зухра РАДЖАПОВА,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ
стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси*

Амалий санъат воситасида ўқувчиларда ижодкорлик ҳиссини тарбиялаш, уларда дизайнерлик санъатини ўргатиш ва бу борада уларнинг тушунчаларини янада ўстириш бадиий таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолардан биридир. Бадиий таълим тизимида эса ёш авлодда буюмлар оламига нисбатан эстетик муносабатни шакллантириш, жумладан, шакл-шамойилдаги конструктив ечимларни анлаш ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга молик масала. Ўқувчиларда бу ҳислатларни тарбиялашда уларнинг дизайнерлик қобилиятларини ривожлантириш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Таниқли рус санъатшуноси В.В.Стасов шундай деб ёзганди: “Ҳақиқий, ҳаёлий бўлмаган халқ санъати – қошигим ҳам, столим ҳам, шкафим ҳам, ручкам ҳам, шамдоним ҳам, шу қабилада энг сўнгги буюмимгача гўзал бўлган жойдагина мавжуддир. У ерда яшашга зарур бўлган майда буюмлар бадиий бўлмоғи учун эҳтиёж йўқдир, бу ерда санъат ҳали қумда ўсмоқда, ҳақиқий иддиз отишга улгурмаган. Эстетик буюм ва субъект